



New Day in Medicine
Новый День в Медицине

NDM



TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



AVICENNA-MED.UZ



ISSN 2181-712X.
EiSSN 2181-2187

2 (76) 2025

**Сопредседатели редакционной
коллегии:**

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

Ред. коллегия:

М.И. АБДУЛЛАЕВ
А.А. АБДУМАЖИДОВ
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ
Л.М. АБДУЛЛАЕВА
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ
М.А. АБДУЛЛАЕВА
Х.А. АБДУМАЖИДОВ
Б.З. АБДУСАМАТОВ
М.М. АКБАРОВ
Х.А. АКИЛОВ
М.М. АЛИЕВ
С.Ж. АМИНОВ
Ш.Э. АМОНОВ
Ш.М. АХМЕДОВ
Ю.М. АХМЕДОВ
С.М. АХМЕДОВА
Т.А. АСКАРОВ
М.А. АРТИКОВА
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)
Е.А. БЕРДИЕВ
Б.Т. БУЗРУКОВ
Р.К. ДАДАБАЕВА
М.Н. ДАМИНОВА
К.А. ДЕХКОНОВ
Э.С. ДЖУМАБАЕВ
А.А. ДЖАЛИЛОВ
Н.Н. ЗОЛотова
А.Ш. ИНОЯТОВ
С. ИНДАМИНОВ
А.И. ИСКАНДАРОВ
А.С. ИЛЬЯСОВ
Э.Э. КОБИЛОВ
А.М. МАННАНОВ
Д.М. МУСАЕВА
Т.С. МУСАЕВ
М.Р. МИРЗОЕВА
Ф.Г. НАЗИРОВ
Н.А. НУРАЛИЕВА
Ф.С. ОРИПОВ
Б.Т. РАХИМОВ
Х.А. РАСУЛОВ
Ш.И. РУЗИЕВ
С.А. РУЗИБОВЕВ
С.А.ГАФФОРОВ
С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)
Ж.Б. САТТАРОВ
Б.Б. САФОВЕВ (отв. редактор)
И.А. САТИВАЛДИЕВА
Ш.Т. САЛИМОВ
Д.И. ТУКСАНОВА
М.М. ТАДЖИЕВ
А.Ж. ХАМРАЕВ
Д.А. ХАСАНОВА
А.М. ШАМСИЕВ
А.К. ШАДМАНОВ
Н.Ж. ЭРМАТОВ
Б.Б. ЕРГАШЕВ
Н.Ш. ЕРГАШЕВ
И.Р. ЮЛДАШЕВ
Д.Х. ЮЛДАШЕВА
А.С. ЮСУПОВ
Ш.Ш. ЯРИКУЛОВ
М.Ш. ХАКИМОВ
Д.О. ИВАНОВ (Россия)
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)
DONG JINCHENG (Китай)
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)
В.А. МИТИШ (Россия)
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)
А.А. ПОТАПОВ (Россия)
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)
С.Н. ГУСЕЙНОВА (Азербайджан)
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV (Azerbaijan)
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

**ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН
НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ
NEW DAY IN MEDICINE**

*Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал
Научно-реферативный,
духовно-просветительский журнал*

УЧРЕДИТЕЛИ:

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский
исследовательский центр хирургии имени
А.В. Вишневского является генеральным
научно-практическим
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных
изданий, рецензируемых Высшей
Аттестационной Комиссией
Республики Узбекистан
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)
У.К. КАЮМОВ (Тошкент)
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

2 (76)

2025

февраль

www.bsmi.uz

https://newdaymedicine.com E:

ndmuz@mail.ru

Тел: +99890 8061882

Received: 20.01.2025, Accepted: 03.02.2025, Published: 10.02.2025

УДК 618.1.145.25

РЕПРОДУКТИВ ЁШДА ГЕНИТАЛ ЭНДОМЕТРИОЗ БИЛАН АСОРАТЛАНГАН АЁЛЛАРДА ИНТЕРЛЕЙКИН –1 В (IL-1В) НИНГ ТАЛҚИНИ

Фуломова Д.А. <https://orcid.org/0009-0003-1093-4595> E-mail: gulomovadiniza@gmail.com

Туксанова Д.И. <https://orcid.org/0000-0001-7698-0533>. E-mail: tuksanova.dilbar@bsmi.uz

Аҳмедов Ф.К. <https://orcid.org/0000-0003-0104-4980> E-mail: farhod.fhmedov.77@mail.ru

Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институтеи Ўзбекистон, Бухоро ш.,
А. Навоий кйчаси. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ Резюме

Тадқиқотнинг мақсади: Репродуктив ёшда генитал эндометриоз билан асоратланган аёлларда интерлейкин –1 β (IL-1β) нинг ҳолатини ўрганиш. Мазкур ишнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, репродуктив ёшдаги 70 нафар генитал эндометриоз билан асоратланган аёллар кўриқдан ўтказилади. Жами 100 нафар бемор текиширувдан ўтказилди. Тадқиқотимизда ҳам интелейкин-1β (IL-1β) эндометриоз билан асоратланиш ўртасида мусбат боғлиқлик борлигини ва эндометриоз хавфи ва эндометриоз билан асоратланган аёллар қон плазмаси таркибида унинг концентрацияси юқори эканлигини кўрсатади.

Калит сўзлар: эндометриоз, интерлейкин –1 β, репродуктив ёш, цитокинлар

ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ИНТЕРЛЕЙКИНА -1 В (IL-1В) У ЖЕНЩИН РЕПРОДУКТИВНОГО ВОЗРАСТА С ГЕНИТАЛЬНЫМ ЭНДОМЕТРИОЗОМ

Фуломова Д.А. <https://orcid.org/0009-0003-1093-4595> E-mail: gulomovadiniza@gmail.com

Туксанова Д.И. <https://orcid.org/0000-0001-7698-0533>. E-mail: tuksanova.dilbar@bsmi.uz

Ахмедов Ф.К. <https://orcid.org/0000-0003-0104-4980> E-mail: farhod.fhmedov.77@mail.ru

Бухарский государственный медицинский институт имени Абу Али ибн Сино Узбекистан,
г. Бухара, ул. А. Навои. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ Резюме

Цель исследования: изучить состояние интерлейкина -1β (IL-1β) у женщин репродуктивного возраста с генитальным эндометриозом. Исходя из целей и задач данной работы, будут обследованы 70 женщин репродуктивного возраста с генитальным эндометриозом. Всего было обследовано 100 пациентов. В нашем исследовании также показано, что интелейкин-1β (IL-1β) имеет положительную корреляцию с эндометриозом и высокую концентрацию эндометрия в плазме крови женщин, осложненных эндометриозом.

Ключевые слова: эндометриоз, интерлейкин -1 β, репродуктивный возраст, цитокины

INTERLEUKIN-1B (IL-1B) INTERPRETATION IN WOMEN OF REPRODUCTIVE AGE WITH GENITAL ENDOMETRIOSIS

Gulomova D.A. <https://orcid.org/0009-0003-1093-4595> E-mail: gulomovadiniza@gmail.com

Tuksanova D.I. <https://orcid.org/0000-0001-7698-0533>. E-mail: tuksanova.dilbar@bsmi.uz

Akhmedov F.K. <https://orcid.org/0000-0003-0104-4980> E-mail: farhod.fhmedov.77@mail.ru

Abu Ali ibn Sino Bukhara State Medical Institute, Uzbekistan, Bukhara, A. Navoi Street.
Tel: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ *Resume*

Purpose of the study: to study the state of interleukin-1 β (IL-1 β) in women of reproductive age with genital endometriosis. Based on the goals and objectives of this work, 70 women of reproductive age with genital endometriosis will be examined. A total of 100 patients were examined. In our study, it was also shown that interleukin-1 β (IL-1 β) has a positive correlation with endometriosis and a high concentration of endometrium in the blood plasma of women complicated by endometriosis.

Keywords: endometriosis, interleukin-1 β , reproductive age, cytokines

Долзарблиги

Хозирги кунда эндометриоз гинекологик касалликлар орасида энг кенг тарқалган касалликлардан бири бўлиб, у эндометрий хужайраларининг эндометрий каватидан ташқарида жойлашиши билан таърифланади. Яллиғланиш генезли ушбу касаллик, бутун дунё бўйлаб ҳайз кўраётган аёлларнинг тахминан 10 фоизини ташкил қилади. Эндометриоз кичик чанок бўшлиғида кучли оғриқ ва бепуштликни келтириб чиқаради, хозирда ушбу касалликни даволаш ва ноинвазив усуллар орқали ташхислаш усулларини йўқлиги гинеколог врачларга бир қанча қийинчилиларни турғизади.

Тадқиқотчилар эндометриознинг патогенези келиб чиқишида кўплаб назариялар ва фаразлар борлигини таъкидлашади. Бу касалликни келиб чиқишида иммунологик назария энг олдинги ўринларда туради. Аёлларда эндометрий имплантацияси ва прогрессив пролиферацияси туфайли иммунитет пасаяди, унинг натижасида касаллик яна авж олади. Қорин бўшлиғидаги яллиғланиш жараёнлари ва иммун тизимнинг дисрегуляцияси эндометриознинг патогенезида муҳим роль ўйнайди.

Интерлейкин -1 β цитокини яллиғланиш реакциясининг асосий воситачи медиатри ҳисобланади. Ушбу цитокин кучли яллиғланиш олди цитокини бўлиб, аёллар репродуктив тизимидаги инфекция ва шикастланишларга қарши ҳимоя реакцияси учун жуда муҳим маркёрдир [1,3]. Интерлейкин -1 β цитокини организмдаги яллиғланишни бартараф этишда муҳим рол ўйнаб, у репродуктив ёшдаги аёлларда жинсий аъзоларнинг сурункали яллиғланиш касалликлари ва эндометриоз хавфини оширади [2,4,6].

Тадқиқотларда келтирилишича яллиғланиш олди цитокини интерлейкин -1 β эндометриоз билан асоратланган репродуктив ёшдаги аёлларнинг қорин бўшлиғидаги перитониал суюқлик ва қон плазмасида жуда кўп миқдорда топилади. Шунини таъкидлашимиз жойизки, ушбу интерлейкин концентрациясининг ошиши бир вақтнинг ўзида ҳам оксидловчи стресс белгиларини намоён қилса, бир вақтнинг ўзида антиоксидант фаолликнинг пасайишига ҳам сабаб бўлади [7,5].

Тадқиқотнинг мақсади: Репродуктив ёшда генитал эндометриоз билан асоратланган аёлларда интерлейкин -1 β (IL-1 β) нинг ҳолатини ўрганиш.

Материал ва усуллар

2022-2024 йиллар давомида эндометриоз билан асоратланган Вобкент туман тиббиёт бирлашмасининг гинекология бўлимига мурожаат қилиб келган 100 нафар аёллар ўрганилди. Мазкур ишнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, репродуктив ёшдаги 70 нафар генитал эндометриоз билан асоратланган аёллар кўриқдан ўтказилади. Жами 100 нафар бемор текширувдан ўтказилди. I-гурухни генитал эндометриоз ривожланиш хавфи бўлган 35 нафар аёл ташкил этган бўлса, II-гурухни эса, генитал эндометриози бўлган 35 нафар аёл ташкил этади, 30 нафар аёл фиологик соғлом аёллар ташкил қилди. Кузатувда бўлган барча ҳомиладор аёллар юқорида қайд этилган даволаш муассасасида тўлиқ клиник текширувдан ўтказилди ва клиник лаборатор, уларнинг шикоятлари, қўшимча текширув усуллари асосида ҳомиладор аёлларга ревматик генезли митрал қопқоқ етишмовчилиги ташхиси қўйилди. Текширувлар «Mindray MR-96A» иммунофермент анализатори аппарати ёрдамида амалга оширилди. Тадқиқотга жалб қилинган ҳомиладор аёлларнинг қон зардобиди IL-1 β интерлейкини текширилди.

Натижа ва таҳлиллар

Бизнинг тадқиқотимизда, репродуктив ёшда эндометриоз хавфи бор ва эндометриоз билан асоратланган аёлларда ҳам IL-1 β нинг кўрсаткичи сезиларли даражада юқори эканлигини кўришимиз мумкин (1-жадвалда) кўришимиз мумкин.

Эндометриоз ва эндометриоз хавфи бор аёлларда ИЛ-1 β цитокинининг кўрсаткичлари (n=100)


Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳи, n=30	1- гуруҳ, n=35	2-гуруҳ, n=35
M \pm m	7,33 \pm 0,84	32,07 \pm 4,95***^^	70,8 \pm 2,89*** $\infty\infty$
Мах-min	18,9-2,2	116,2-10,2	96,5-38,5
Медиана	5,7	20,1	72,1
t (ҳақиқий)	0,07	0,006	0,01
P-value	1,91	2,96	2,59

Изоҳ: : * - фарқлар назорат маълумотларига нисбатан аҳамиятли (**** - P<0,001), ^ - фарқлар 2 гуруҳ маълумотларига нисбатан аҳамиятли ^^ - P<0,01), $\infty\infty$ - фарқлар 1-гуруҳ маълумотларига нисбатан аҳамиятли $\infty\infty$ - P<0,01)

1-жадвал маълумотлардан кўришиб турибдики, интерлейкин -1 β цитокинининг концентрацияси қон зардобда кўрсаткичларда учради, эндометриоз хавфи бўлган аёлларда, ушбу цитокинининг кўрсаткичи 32,07 \pm 4,95 пг/мл [116,6-10,2 пг/мл] га тенг бўлган бўлса, интерлейкин -1 β концентрацияси эндометриоз билан асоратланган аёллар қон зардобда 70,8 \pm 2,89 пг/мл [116,6-10,2 пг/мл]ни ташкил қилди. Назорат гуруҳига жалб қилинган аёлларда, эса 7,33 \pm 0,84 пг/мл [18,9-2,2 пг/мл] натижани кўрсатди.

IL-1 β бу яллиғланиш олди цитокини бўлиб, у нафақат иммунитет реакциясида, балки репродуктив тизимни ҳам бошқарилишида ҳам муҳим рол ўйнайди. Тадқиқотларда аниқланишича IL-1 β эндометриозни келтириб чиқувчи омил сифатида, балки патогенезида ҳам иштирок этиши ҳақида маълумотлар келтириб ўтилган. ИЛ-1 β эндометрий хужайралари томонидан ишлаб чиқариладиган плейотропик цитокин бўлиб, яллиғланишга қарши иммун жавобда иштирок этади, бундан ташқари ўсиш омили сифатида ва хужайраларни апоптоздан химоя қилишга ёрдам беради.

Биз олган маълумотлардан аниқ бўлдики, эндометриоз билан асоратланган аёллар қон зардобда, ИЛ-1 β цитокин кўрсаткичи баландлигини кўрсатди. Шунини таъкидлаш керакки, эндометриоз билан асоратланган аёлларда IL-1 β даражаси сезиларли даражада ошади (1- расм).




1-расм. Эндометриоз ва эндометриоз хавфи бор аёлларда IL-1 β концентрацияси.

1-расмда келтирилган маълумотлардан кўришиб турибдики, 2-гуруҳ эндометриоз билан асоратланган аёлларда, назорат гуруҳи ва 1-гуруҳ эндометриоз хавфи бўлган аёллар кўрсаткичларига нисбатан статистик аҳамиятли ўзгаришлар кузатилганлигини кўришимиз мумкин.

Тадқиқотимиздаги 2-гурӯҳ аёллар қон плазмасида интерлейкин -1 β кўрсаткичи, 1-гурӯҳ аёллар кўрсаткичларига нисбатан мос равишда 2,21 ($P<0,01$) мартаба ошган бўлса, назорат гуруҳига нисбатан мазкур кўрсаткич мос равишда 9,65 ($P<0,001$) мартаба ошганлигини кўрсатди ва статистик таҳлиллар жиҳатидан ишонарли бўлди.

Incognito G. G ва унинг ҳамкасблари эндометриоз билан асоратланган аёлларда IL -1 β нинг плазмадаги концентрацияси эндометриоз билан асоратланмаган аёлларга нисбатан сезиларли даражада юқори эканлигини аниқлади.



2-расм. Интерлейкин-1 β (IL-1 β) цитокинининг спецификлик, сезгирлик, аниқлик ва ишонч оралиғининг кўрсаткичлари

Интерлейкин -1 β (IL-1 β) эндометриоз ривожланишининг башоратчиси сифатида фойдаланиш имкониятини ўрганиш учун, унинг спецификлиги ва сезувчанлиги, ишонч оралиғини статистик баҳо бердик ва қуйидаги натижалар қайд қилинди. Олиб борган тадқиқотимизда эндометриоз билан асоратланган аёлларда IL-1 β плазмадаги миқдори $70,8\pm 2,89$ пг/мл ни (спецификлик 38 %, сезувчанлик 78, аниқлик 80 %) ташкил қилди, (95% (0,650... 0,763)), $p=0,02$ ни ташкил этди ва IL-1 β дан амалда эндометриозни аниқлаш предиктори сифатида фойдаланиш имкониятидан далолат беради.

Хулоса

Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, ИЛ-6 яллиғланиш олди цитокини бўлиб, маҳаллий гипоксия келтириб чиқаради, реактив кислород турларини ишлаб чиқариш ва темирнинг ҳаддан ташқари юкланишига сабаб бўлади. Таҳлил қилганда эндометриоз кисталардаги шоколадли суюқлик таркибида кансероген моддалар ва кўп миқдорда цитокинлар мавжуд бўлади. Эндометриозда макрофаглар жуда кўп миқдорда бўлиб, яллиғланиш ҳужайраларининг асосий таркибий қисми ҳисобланади. Инфильтрация янги қон кетиш ўчоқларида кўп бўлиб, ИЛ-6 нинг кўпайишини рағбатлантиради [Lu W., He F., Lin Z., Liu S., 2021].

Шундай қилиб, бизнинг тадқиқотимизда ҳам интелейкин -1 β (IL-1 β) эндометриоз билан асоратланиш ўртасида мусбат боғлиқлик борлигини ва эндометриоз хавфи ва эндометриоз билан асоратланган аёллар қон плазмаси таркибида унинг концентрацияси юқори эканлигини кўрсатади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Сафронова А.С., Высоких М.Ю., Чупрынин В.Д., Буралкина Н.А. Современные молекулярно-биологические аспекты эндометриоз-ассоциированного бесплодия // Гинекология. 2019;21(5):12-15.
2. Ермолова Н.В., Петров Ю.А., Левкович М.А., Савченко А.В., Слесарева К.В. Ведение пациенток с генитальным эндометриозом: новые стратегии. //Доктор.Ру. 2023;22(5):89-94.
3. Эндометриоз и тазовая боль / В. Е. Радзинский, М. Р. Оразов, Р. Е. Орехов [и др.]; под ред. М. Р. Оразова. — Москва: ГЭОТАР-Медиа, 2023; 184 с.
4. Адамян Л.В., Алясова А.В., Пивазян Л.Г., Степанян А.А. Иммунологические аспекты эндометриоза: патофизиологические механизмы, диагностика, аутоиммунитет, таргетная терапия и модуляция. // Проблемы репродукции. 2024;30(2):15-31.
5. Левкович М.А., Ермолова Н.В., Крукиер И.И., Авруцкая В.В., Петров Ю.А., Григорьянц А.А., Забайрачная А.В. Особенности цитокинопродукции на системном и локальном уровне у пациенток репродуктивного возраста с наружным генитальным эндометриозом. // Медицинский вестник Юга России. 2023;14(4):5-10.
6. Madan R., Demircik F., Surianarayanan S. et al. Nonredundant roles for B cell-derived IL-10 in immune counter-regulation. // J Immunol 2019;183:2312-2320.
7. Vallvé-Juanico J, Houshdaran S, Giudice LC. The endometrial immune environment of women with endometriosis. // Hum Reprod Update. 2019 Sep 11;25(5):564-591.

Қабул қилинган сана 20.01.2025